Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгаши
ҚАРОРИ

“ 18 ” феврал 2019 йил **№ LI-2-сон** **Янгибозор шаҳарчаси**

Янгибозор туманидаги аҳоли пунктининг номини қайта номлаш тўғрисида.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, (*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320 модда;),* “Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013й, 17-сон, 219-модда)* ва “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011й., 41-сон, 448-модда)* Ўзбекистон Республикаси Қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегераларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомга *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014й,10-сон,107-модда)* асосан географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясига “Наврёп” маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг 2019 йил 24 январдаги илтимосномасини ўрганган ҳолда тумандаги аҳоли пунктини таркибий қисмини (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, ҳиёбонлар) (кейинги ўринларда матнда “географик объектлар” деб юритилади) қайта кўриб чиқиш натижаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг таклифлари асосида Хоразм вилояти комиссиясининг томонидан кўриб чиқилиб 2019 йил 26 январдаги №4-355-сонли хулосаси маъқуллансин.

2. Тумандаги географик объект номи иловага мувофиқ, “Наврёп” маҳалла фуқаролар йиғини номи “Паҳлавон Маҳмуд” маҳалла фуқаролар йиғини деб қайта ўзгартирилсин.

3. Хоразм вилоят “Ермулккадастр” давлат корхонаси Янгибозор туман филиали, туман архитектура ва қурилиш бўлими, фуқаролар йиғини билан биргаликда, тумандаги маҳаллани номи ўзгариши муносабати билан туман бўйича

Scanned with CamScanner

тасдиқланган ягона замонавий миллий дизайн асосида бир ой муддатда географик объект номини қайд қилинган пешлавҳа ўрнатсин.

4. Белгилансинки, географик объект номи қайд қилинган пешлавҳа ўрнатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар ҳисобидан қоплансин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши билан халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2016 йил 26 августдаги “Янгибозор туманидаги аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва қайта номлаш тўғрисида”ги 17-5-сонли Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ушбу Қарор “Янгибозор кўзгуси” газетасида ва Янгибозор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Базарбаев ва халқ депутатлари туман Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси С.Абдиримов зиммаларига юклатилсин.

Халқ депутатлари Янгибозор туман
Кенгаши раиси, туман ҳокими **У.Машарипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VIL. YANGIBOZOR TUM. HOKIMI
BAYON QISMI

Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2019 йил 18 февралдаги LI-2-сонли қарорига илова

Тумандаги географик объектлар номлари

Хоразм вилоятидаги географик объектларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари асосида уларни номлаш ва қайта номлаш бўйича таклифлар			
Географик объектнинг амалдаги номи (ким томонидан ва қачон қарор қабул қилинган)	**Географик объектнинг тарихий (аввалги) номи**	**Объект тури ва жойлашиши**	**Географик объектни амалдаги номи**
ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ БЎЙИЧА			
Янгибозор - вилоятга бўйсунувчи туман (Хоразм вилояти ижроия қўмитасининг 27.04.1950 йилдаги 286-сон қарори билан ташкил этилган, ЎзССР Министрлар Советининг 26.11.1981 йилдаги 828-сон фармойиши билан қайта ташкил этилган)	Янгибозор	туман, Хоразм вилояти	Янгибозор
Аҳоли пунктлари таркибий қисмлари номлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, ҳиёбонлар ва бошқалар)			
Навр ёп м.ф.й Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг 2016 йил 26 августдаги XVII-5-сонли қарори	Навр ёп	м.ф.й., Янгибозор тумани Навр ёп а.п.	Пахлавон Махмуд

Scanned with CamScanner